



2020 yil "10" noyabr

№ 181

" " 20 г.

**Давлат харидларини амалга ошириш бўйича
Харид комиссиясини тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4544-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик, деб юритилади) эҳтиёжлари учун зарур товар (иш, хизмат)ларни харид қилишни ташкил этиш мақсадида, буюраман:

1. Агентлик эҳтиёжлари учун зарур товар (иш, хизмат)лар харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш бўйича Харид комиссияси (Харид комиссияси) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид комиссияси (Д.Саиджанов):

танлов ўтказиш орқали товар (иш, хизмат)лар харидини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ташкил қилсин;

товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича ташкил этиладиган танловларни очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида ўтказилишини таъминласин;

танлов таклифларини кўриб чиқишда ва баҳолашда товар (иш, хизмат)ларнинг нархи, миқдори, сифати, техник талабларга мувофиқлиги, етказиб бериш (бажариш) муддатлари ва бошқа мезонларига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Маъмурий хўжалик бўлими (Қ.Джалилов) ва Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (М.Мирхосилов) Харид комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

Агентликнинг бюджет ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш

жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур харидларни амалга ошириш бўйича танлов ўтказиш учун товар (иш, хизмат)ларнинг тавсифи, параметрлари, уларга қўйиладиган техник талаблар ва бошқа тегишли маълумотларни тайёрлаш;

жамланган маълумотлар асосида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонларни белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириш;

эълон бўйича келиб тушадиган таклифларни жамлаш ва уларни кўриб чиқиш, баҳолаш ҳамда танлов ғолибини аниқлаш учун Харид комиссиясига киритиш;

Харид комиссиясининг таклифларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш бўйича йиғилишини ташкил этиш ва баёнларини расмийлаштириш;

Харид комиссиясининг қарорига асосан танлов ғолиби билан белгиланган тартибда шартнома имзоланишини ташкил этиш;

4. Маъмурий хўжалик бўлими (Қ.Джалилов) танлов ғолиби билан имзоланган шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш ҳамда етказиб берилган товар (иш, хизмат)ларнинг сифати ва техник талабларга мувофиқлигини текширган ҳолда қабул қилиб олиш бўйича масъул ҳисобланади.

5. Агентликнинг 2019 йил 26 июндаги 263-сон буйруғи ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор



А.Ходжаев

Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
2020 йил “10” ноябрдаги
181 - сон буйруғига илова

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги эҳтиёжлари учун
зарур товар (иш, хизмат)лар харидини танлов ўтказиш орқали амалга
ошириш бўйича Харид комиссияси
ТАРКИБИ**

Харид комиссияси раиси:	Д.Саиджанов	Директорнинг биринчи ўринбосари
Харид комиссияси раиси ўринбосари:	Ғ.Бозоров	Директор ўринбосари
Харид комиссияси аъзолари:	А.Акабиров	Ахборот хизмати бўлими бошлиғи
	Д.Юсупов	Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бўлими бошлиғи
	Ш.Урунов	Лицензиялаш ва назорат бўлими бошлиғи
	Ғ.Болиев	Ўз хавфсизлик бўлими бошлиғи
	Г.Хатамова	Масс-медияни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
	С.Хасанов	Умумий бўлим бошлиғи
	Ж.Хусанов	Ахборот хизматлари фаолиятини ташқил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Изоҳ: Харид комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтганда ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганда шу лавозимга тайинланган шахс Харид комиссияси таркибига киритилган ҳисобланади.